

«Туянинг қандай яратилганига назар солмайдиларми?»



07:10 / 11.05.2019 4845

Одамлар қуёш нурига қарши кўзларига махсус кўзойнак тақишса, туяда бу нарса азалдан бор. Чунки туянинг кўзида учинчи шаффоф қовоқ (парда) бўлиб, у қуёш нури ва саҳродаги бўрон учирган ғуборлардан ҳимоялайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Улар назар солмасми : Туянинг қандай яратилганига?» (Ғошия сураси, 17-оят)

Ушбу оятда «саҳро кемаси» деб ном олган туяга эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, саҳро аҳли учун туя алоқа воситаси, оғир юкларни ташиш вазифаларни бажарувчи хизматкордир. Унинг юнги кийим бўлса, сути тўйимли ва суюмли таомдир. Туя баҳайбат ва ниҳоятда бақувват бўлишига қарамай, ёш гўдак етакласа ҳам бўйсуниб кетаверади. Унинг тузилиши – кулоқ, бурун, кўз, оёқ, туёқлари саҳро учун мослашган. Унга миниш ёки оғир юкларни ортиш жуда қулай. У бир ишора билан олдингизга тиз чўкиб, гўё харсанг тошдек қилт этмай туради. Устига йўловчи миниб олгач эса бу «харсанг тош» яна бир ишора билан ўрnidан кўчиб, исталган тарафга

равона бўлади. Булар туянинг кўзга ташланадиган жиҳатларидир. Энди унинг вужудига ибрат назари билан қаралса, у ойлаб овқатсиз, сувсиз юра олишидан тортиб, унинг баданидаги ҳар бир аъзо нақадар саҳрога мослаб яратилган. Жумладан, туя саҳрода оч қолса, қуруқ ёғочни, ҳатто тиконни ҳам еб кетаверади. Айниқса, унинг ўрқачи ўзига хос озуқа омборидир. Агар туянинг саҳрода емиши тугаб қолса, ўша ўрқачидаги омбордан озиқланади.

Маълумки, саҳрода энг зарурий нарса сув ҳисобланади. Туя эса бир вақтнинг ўзида олтмиш литргача сув ичиб, саҳрода олти кундан ўн кунгача сув ичмай юриши мумкин.

Туя ва шунга ўхшаш ҳар бир жонзотнинг яратилишига ибрат назари билан қараган инсон Аллоҳ таолонинг қудратига тан бермай иложи йўқ.

islom.uz таҳририяти